РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 4.400.000 ТОННАГА ЕТДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 222 (4428).

11 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА 1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ ЭЛ-ЮРТНИ ҚУВОНТИРМОҚДА. ҲАЛИ ДАЛАЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНМАГАН ҲОСИЛ БОР. ХАЛҚ БОЙЛИГИ—„ОҚ ОЛТИН“ИМИЗНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙ, ТЕЗДА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК, ДАВЛАТГА ТОПШИРАЙЛИК!

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

Шаҳар ва қишлоқларимиз, район ва поселкаларимиз жамолига боқар экансиз, Ватанимиз, республикамиз, областимиз қиёфаси гўзаллашиб, нақадар обод ва кўркам, халқимиз турмуши ва ҳаёти фаровон, завқли ва қувончли бўлиб бораётганлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласиз.

Партиямизнинг тарихий XXIV съезди қарорларидан илҳомланган азамат бинокорларимиз, қурилиш трестларининг коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида фидокорона меҳнат қилиб, ўтган беш йилликда ва тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида улкан саноат объектлари, маданий-маиший ва уй-жой бинолари, янги шаҳарлар ва қишлоқлар барпо этдилар. Минг-минглаб оналар янги, обод ва кўркам уйларда яшамоқдалар. Капитал қурилишда маблағлардан самарали фойдаланиш, техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бериш натижасида йирик саноат объектларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш таъминланмоқда.

Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми «Узбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми қарорлари асосида областда капитал қурилишни яхшилаш ва фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришни тезлаштириш чоралари ҳақида»ги масалани муҳокама қилди. Пленумда капитал қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар қайд қилиниши билан бир қаторда, йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар, баъзи ташкилотларнинг ишларидаги нуқсонлар қаттиқ танқид қилинди ва пайтдаги вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Узбекшахтострой», 6-трестлари, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиш министрлигининг 23-трести, «Главташкентстрой»нинг 3 ва 159-қурилиш трестлари ҳамда уйсозлик комбинати, «Ташобқолхозстрой» трестлари ўн ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини оширо бажардилар. Чорвоқ ГЭСининг 2-гидроагрегати, Оҳангарон дарёсининг ўзанидан кўмир разрезидан узоқлаштириш учун тоннеллар ва гидротехника иншоотлари, пахта тозалаш заводи, турли хил маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, уй-жойлар муддатидан илгари қуриб ишга туширилди.

Пленумда кўрсатилганидек, капитал қурилиш соҳасида ҳали жиддийгина камчиликлар бор. Капитал маблағ сарфлаш тўққиз ойлик плани бор-йўғи 86 процент бажарилган. Шу жумладан, қурилиш-монтаж ишлари плани 90 процент адо этилди. 63,1 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. 35,9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмади. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 87 процент, шу жумладан Тошкент шаҳрида эса 84 процент бажарилди. Мавжуд 23 та қурилиш трестининг 10 таси, шу жумладан «Главташкентстрой»нинг 9 та трести бош пудрат бўйича планни бажармади. Бинокорлик, монтажчи, лойиҳалаш ташкилотлари ва буюртмачи идоралар ишидаги камчиликлар баъзи объектларни муддатида қуриб битказмасликка, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳаддан ташқари чўзилиб кетишига олиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXIV съездига ҳисобот докладида капитал қурилиш ишлари аҳволини таҳлил қилиб берди. Проблеманинг моҳиятини қисқа қилиб айтадиган бўлсак, у шундан иборатки, биз жуда катта маблағ сарфлаётган бўлсак ҳам, лекин уларнинг эвазига олишимиз лозим бўлган самарани ўз вақтида ололмаётирмиз. Планларни тузиш вақтида кўпинча реал имкониятлар ҳисобга олинмасдан, капитал қурилиш ҳажмлари ва қуриладиган объектлар сони ошириб юборилмоқда. Натижада маблағлар сочилиб кетмоқда, чала қолган қурилишлар кўпаймоқда, катта-катта ресурслар бекор, бефойда ётиб қолмоқда. Капитал маблағнинг катта қисми норационал тақсимланмоқда. Маблағларнинг ҳаддан ташқари кўп қисми янги қурилишга ва жуда оз қисми ишлаб чиқаришни модернизациялашга, машина-ускуналарни янгилашга сарфланмоқда. Бунинг натижасида кўп заводларни реконструкция қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пайсалга солинмоқда. Ниҳоят қурилишнинг ўзида катта нуқсонлар бор.

Янги беш йилликда областимизда муҳим саноат тармоқларини ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш назарда тутилади. Чорвоқ ГЭСи қурилиши тугалланиши, 144 минг киловатт қувватли Хўжакент ва Ғазалкент ГЭСлари қурилиши бошланиши, Тошкент ГРЭСи ва Сирдарё ГРЭСи ўртасида 550 киловольт кучланишли электр узатиш линияси қурилиши керак. Ўзбекистон металлургия заводини, Олмалиқ кон-металлургия комбинатини реконструкция қилиш, Олмалиқ химия заводининг иккинчи навбати ва Ангренда олтин саралаш фабрикаси, Тошкентда метрополитен, Устарасой висмут кони, Ўртаовул гўшт комбинати, кўпгина уй-жой, маданий-маиший ва коммунал корхоналар қурилиши ва ишга туширилиши лозим. Бу эса қурилиш бошқармалари ва трестлари, шаҳар ва район партия комитетлари, корхоналарнинг партия ташкилотларидан ўз ишларини КПСС XXIV съезди талаблари асосида олиб боришни, капитал қурилиш масалалари билан доимо, чуқур ва атрофлича шуғулланишни, қурилиш коллективлари ўртасида социалистик мусобақани янада авж олдиришни талаб этади.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифати техника тараққиёти учун, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш учун курашнинг энг асосий бўлиб келди. Бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолади. Қурилиш ташкилотларининг партия комитетлари бу муҳим соҳани доимо назорат қилиб боришлари, биноларнинг юқори баҳолар билан фойдаланишга топширилишига эришишлари лозим. Шунга эришайликки, binolar ҳамма жиҳатдан меҳнаткашлар талабига жавоб берадиган, обод, пишиқ ва пухта қурилсин. Орадан йигирма-ўттиз йиллар ўтганда ҳам бу binolar гўё кечагидек мустаҳкам, гўзал ва кўркам тураверсин.

Партиямиз Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги йилларда капитал қурилиш соҳасидаги ишларни батафсил ва атрофлича таҳлил қилиб, бирмунча муҳим қарор ва тадбирлар қабул қилдилар. Қурувчи ишига баҳо бериш принципини ўзгартирувчи қарорлар қабул қилинди. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси жорий этилмоқда. Капитал қурилишнинг моддий ва техника базаси кучайтирилди. Булар ҳаммаси совет кишилари ҳақида, уларнинг фаровон турмуши ва мамлакатимизнинг коммунизм сари тараққиёти ва ривожи тўғрисида қилинаётган буюк ва бебаҳо ғамхўрликнинг натижасидир. Бу ғамхўрликка жавобан капитал қурилиш ишларини юксак суръатлар билан олиб борайлик. Халқимиз учун энг яхши, чиройли, пухта ва обод уй-жойлар қуриб берайлик. Саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини тез ва соз қурайлик. Шаҳар ва қишлоқларимиз, район ва поселкаларимиз янада обод, кўркам бўлсин, чиройига чирой қўшаверсин.



Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз пахтакорлари машина теримига катта эътибор берганликлари учун пахта тайёрлаш планини барвақт бажардилар. Суратда колхознинг илғор механик ҳайдовчиларидан Б. Тошалиев (чапда) ва А. Маматбоев.

А. Абалян фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 10 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш процента

Юқори Чирчиқ	70,4
Калинин	66,7
Оржоникидзе	63,7
Бўстонлиқ	44,6
Ўрта Чирчиқ	40,7
Оққўрғон	38,5
Бўка	27,6
Пискент	24,3
Янгийўл	24,0
Оҳангарон	23,4
Бекобод	16,0
Область бўйича	36,1

САҲИЙ ДАЛАЛАР ШУЪЛАСИ

Очил аканинг офтобда қорайган чеҳраси доимо кулиб туради. У бугун ҳар қачонгидан ҳам хурсанд: бригадаси биринчилар қатори маррага етиб, гектар бошига салкам 40 центнердан ҳосил кўтарди. Бригада аҳли йил бошида 106 гектар майдонга «Тошкент-3» навли чигит қадаган эди. Йил бўйи қилинган самарали меҳнат мана бугун ҳаммага қувонч бахш этиб турибди.

— «Тошкент—3» навли чигитни экишга тайёрлаш жараёни одатдагидан бошқароқ бўлар экан, — деб ҳикоя қилади бригада бошлиғи О. Маматқулов. — Биз чигитни уч кун ҳовузларда ивитиб, сўнг ер намига қададик. «108—Ф» навли чигитга нисбатан у икки-уч кун кечроқ униб чиққан бўлсада, авжи юқори бўлди. Ғўзаси сершох, калатабўғин ва серҳосиллиги билан бошқа навлардан фарқ қилди. Бунинг устига вилтга ҳам анча чидамли экан. Кузда эса ўн кун олдин етилди. Текис очилган пахтазорларда ёппасига теримлар бошланиб кетди. 6 октябрда планни бажардик, 19 октябрда эса мажбуриятни уддаладик.

Бу воқеадан сўнг анча вақт ўтди.

Терим даврида ҳамма далада бўлди. Пенсияга чиққан отахон ва онахонлар ҳам элдан орқада қолмади. Маматқул ота Бекмуродов, Миржамол ота Ҳайдаров, Алиқул ота Султонов каби қариялар биринчи бўлиб белларига этак боғлашди. Болалар боғчаси узуу-кун ишлаб турди. Дала бошида иссиқ таомлар ташкил этилди. Иш шароити яхши бўлгач, меҳнат ҳам унумли бўлаверди. Бригада аҳли уруғликка етиштирилган ҳосилни сифатли териб олганларидан сўнг иккинчи ва учинчи теримга машиналар қўйилди. Коммунистлардан Қўчқор Миржамолов, Саидакбар Парпиев, Азим Зиёвудиновларнинг ҳар бири ўз агрегатлари бункеридан 100 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкдилар.

— Хўжалигимиздаги коммунистларнинг аксарияти бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилмоқдалар, — дейди Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбишев номли колхоз партия комитети нинг секретари Султонбой Турсунбоев. — Сўнгги йилларда коммунистларимиз сафи илғорлар ҳисобига анча кенгайди. Қўчқор Миржамолов, Қаҳҳор Раимқулов, Жумагул Ҳолмирзаева, Ҳамид Юнусов кабилар шулар жумласидандир. Улар гайрати билан колхоз пахтазорларида ўрта ҳисобда 30 центнердан ҳосил олинди. Қўшимча мажбуриятлар ҳам шараф билан адо этилди.

Колхоз партия ташкилоти пахта йиғим-терими кампанияси даврида оммавий-сиёсий ва ташкилий-тарбиявий ишларни янада кучайтириб юборди. 53 сиёсий ташкилотчининг ҳаммаси далаларда бўлиб, шахсий намуна кўрсатди.

Илғорлар тажрибасини кенг қўлланиш туфайли колхозда ҳосилдорлик йил сайин ошмоқда. Агарда 1969 йилда 4310 гектар майдондан гектар бошига 26 центнердан хирмон кўтарилган бўлса, ўтган йили ҳосилдорлик яна салкам уч центнерга ошди. Бу йил эса 30 центнердан ҳосил кўтарилди.

Йиғим-терим ишлари колхозда ҳамон давом этмоқда. Ҳамма бир жон бир тан бўлиб ҳосилнинг сўнгги граммигача тўла йиғиб-териб олиш учун курашмоқда.

А. РАЗЗОҚОВ,
Ж. ХОЛМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

БЕЖИРИМ ПОЙАФЗАЛЛАР

Чирчиқ пойафзал фабрикасида жажжи ўғил-қизларимиз учун юз минглаб жуфт пойафзал ишлаб чиқарилмоқда. Фабрика ишчи-хизматчилари ҳар йилгидек бу йил ҳам самарали меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш борасида дуруст ютуқларни қўлга киритишяпти.

Корхона коллективи КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ курашида актив қатнашмоқда. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан жуда кўп тадбирларни амалга ошириб, янги асбоб-ускуналар фойдаланишга топширилмоқда. Технология жараёнлари такомиллашиб, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш планлари, илғор иш усуллари жорий қилинялти.

Бу тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажарилишига ёрдам беряпти. Худди шу туфайли ҳам пойафзалчилар йил бошидан буён қўшимча 150 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулотни реализация қилдилар. Меҳнат унумдорлиги 103,1 процентни ташкил этди.

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВ

Гидролиз заводи Янгийўлнинг энг пешқадам корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг турли миллат вакиллари бирлашган аҳил ва иноқ коллективи шаҳардаги корхоналар ўртасида Улуғ Октябрь байрами шарафига бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида борди. Ишлаб чиқаришни тинмай такомиллаштириш, илғор иш усулларини қўлланиш, мавжуд асбоб-ускуналарнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш туфайли маҳсулот реализация қилиш давлат планларини эрта бажарилаяпти.

МОҲИР СУТ СОҒУВЧИЛАР

Калинин районидаги 2-«Тошкент» совхозининг чорвадорлари сут булогини кўпайтиришдек муҳим ишда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу ердаги мавжуд сигирларнинг ҳаммаси сермаҳсул бўлиб, сут тайёрлаш ишлари яхши бормоқда. Ишчилар бу йил давлатга 360 тонна сут сотиш ва планни 15 декаброгача бажариш ниятиндалар.

Сут булогини кўпайтиришда ва давлат планларини муваффақиятли бажаришда Ольга Ларушинанинг хизмати каттадир. Сергайрат аёл, чорва молларини меҳр билан боқади. 26 бош сигирнинг 22 таси айниқса яхши сут бермоқда. Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида 5 минг 520 килограмм сут топширди. Яқин кунлар ичида моҳир сут соғувчи ўзига берилган планни ортиғи билан бажаради. Шарипа Аҳмедова ҳам тажрибали сут соғувчилардан ўрганиб, кўпчиликнинг мақтовига сазовор бўлмоқда. У 21 бош соғин сигирдан тўққиз ой ичида 42 тонна сут соғиб олди.

Совхоз чорвадорлари сут булогини кўпайтириш билан моллар қишловини ҳам намунали ўтказиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Х. ЁҚУБОВ.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун —бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Пискент	0,08	123,77	0,05	104,60
Оққўрғон	0,03	120,75	—	111,64
Юқори Чирчиқ	—	119,92	—	159,47
Бўка	0,21	119,89	—	108,20
Ўрта Чирчиқ	0,03	116,01	—	101,99
Янгийўл	0,16	113,93	0,21	85,96
Бекобод	0,08	108,11	—	87,40
Область бўйича	0,09	116,99	0,03	104,73

ЭНГ ЯХШИ ЕР ҲАЙДОВЧИЛАР УЧРАШАДИЛАР

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги ва совхозлар министрлигининг коллегиялари, Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари Касаба союзларининг республика Комитети, қишлоқ хўжалиги илмий техника жамияти биргаликда қабул қилган қарорга биноан 25—26 ноябрда республика ер ҳайдовчи механизаторларининг мусобақаси ўтказилади. Мусобақанинг мақсади ер ҳайдашда тракторчиларнинг маҳоратини оширишдан иборат. Мусобақа Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари Тошкент институтининг Ўрта Чирчиқ районидаги таълим хўжалиги даласида ўтказилади.

Хўжаликларда, районлар ва областларда ҳамда Қорақалпоғистонда ер ҳайдовчиларининг мусобақаси ўтказилади. Мусобақа ғолиблари шундан кейин Тошкентга келиб ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Мусобақа ғолиблари учун дипломлар ва қимматли мукофотлар берилади. (ЎзТАГ).



«ЧИНОЗ» наслчилик совхози чорвадорлари бу йил ҳар қачонгидан кўра кўпроқ гўшт ва сут етиштиришга аҳд қилишган. Хўжаликда қорамоллар зоти тобора яхшиланмоқда. Суратда: қорамолларни яйловда боқиш пайти.

В. Салов фотоси.

ҚЎЙЛАР КЎПАЯДИ

Шу кунларда 2-«Оҳангарон» совхози чорвадорларининг иши қизғин бормоқда. Бутун ёз бўйи кенг яйловда боқилган қўйлар ўз қўраларн томон қайтмоқда. Улар дорилганган сувда чўмилтирилиб урчитиш пунктига жўнатилмоқда. Пункт Пистолисойга жойлашган. Бу ерда совхознинг 3500 га яқин совлиқ қўйлари сунъий урчитилади.

— Урчитиш кампанияси, — дейди совхоз зоотехниги Жамол Маднёров, — энг масъулиятли давр ҳисобланади. Чунки бу иш муваффақиятли ўтказилса баҳорда совлиқларнинг асосий қисми эгиз болалайди. Шунинг учун урчитилган совлиқлар тўйимли озуқа — беда ва концентрат билан боқилмоқда. Қўчқорларга эса алоҳида хонада тухум, ем, сабзи, беда ва бошқа тўйимли озуқалар берилаётир. «Чиноз» техникумининг талабаси Абдужалил Хонаев, совхоз зоотехниги Ж. Маднёров, санитарлардан Эрбой Жўраев, Эргаш Махкамов ва чўпон Тожибой Усмоновлар жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

М. АЗИМОВ,
Оҳангарон райони.

ЎЛМАС СИЙМОЛАР

ҚУТЛУҒ ИЗЛАР

Она бедор. Уч кундан буён кўзларида ёш аримай қолди. Кечалари ҳам уйқу билмайди. Дамбадам эшикка чиқади. Йўлчининг йўлига термулади.

«Ахир, келар вақти ўтиб кетганига тўрт кун бўлди. Шунақаям ноинсоф бой бўладими? Замонангга ўт тушкур! Қувватимиз етганда иссиққина бағримда юрмасмидинг ўғлим? Не қилай, иложим йўқ-да! Тўққиз ёшингдан бошлаб ҳаётнинг аччиқ-чучугини тота бошладинг. Сингинг Ҳосиятнинг аҳволи нима кечаяпткин! Ҳосиятгинам! Болажонларим!»

Она фарзандлари ҳаратидан юм-юм йиларди.

— Кўп йиғлайверма, онаси, — умр йўлдошини юпатмоқчи бўлди эндигина мардикорликдан келган Карим ака. — болаларинг юришгандир. Вақтим бўлганда-ку бориб келардим-а! Бироқ шу бугунок бой хизматига қайтишим керак. Тегирмонга бугдой олиб бораман.

Қишлоққа оқшом чўкди. Она эндигина суюк ошни сопол косаларга солаётган эди, эшикдан ёш боланинг йиғи овози эшитилди. Бадани сесканиб югуриб ташқарига чиқди. Кичкинагина, қорачадан келган Йўлчи хум бўлиб келарди. Кўзлари шишиб кетган.

— Ҳа, онагинайр ўргилсин! Нега бўзлаб келаяпсан, — багрига босди она.—Бой сўкдими, урдими? Нима қилди сенга у ер юттур?

— Сингилим... сингилим, — зўрбазўр гапираркан у, — Ҳосият...

Она икки чеккасини қўллари билан чангаллаганча ўтириб қолди.

— Кечаси хирмонда қоровуллик қилардик, — тутила-тутила гапирди Йўлчи, — Ҳосият бирдан ғойиб бўлди. Абдураҳмон бойга айтсам, қўявер жин урмайди сингилингни, тузалиб кетади деб жеркиб берди. Сизга хабар бергани келаётган эдим, юборманди, кўш қайдаттирди. Эртасига огирлашиб қолди. Тушга бориб кўз юмди. Мен шу заҳоти буёққа чопдим...

...Йўлчилар оиласи Улуғ Октябрь революциясидан олдин жуда кўп камбағал деҳқонлар қатори замона гурбати, азобини шундай тортди. Йўлчи революцияга қадар бойлар эшигида ишлади.

Петроградда қувончли хушхабар келганда Йўлчи 29 ёшда эди. У онасини маҳкам қучиб олди: «Мана онажон энди бахтли ҳаёт кечирамиз, бойларнинг куни битди. Бир рус кишиси Ленин ҳақида, унинг биз сингари камбағалларни кўлаб амалга ошираднган ҳайрли ишлари ҳақида гапириб берди. Энди биз яшайдиган замон келди».

...Йўлчи Каримов янги даврнинг дастлабки кунларидаюқ қишлоқда жамоатчилик ишларида актив қатнашди. Ёш Совет республикасини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш учун астойдил интилди. Революциянинг иккинчи йилиёқ Ленин партияси сафига ўтди. «Қўшчи союзи»ни ташкил этишда фаол иштирок этди. Камбағаллар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориб, уларни коммуналарга уюштирди.

1924 йилнинг бошлари эди. Йўлчи Каримовни Тошкентга чақиришди.

— Сизга катта раҳмат! Ғайратингиз-шижоатингиздан қишлоқ аҳли миннатдор бўлмоқда, — дийишди область ижроия комитети раҳбарлари. — Бундан буён ҳам ана шундай ғайрат кўрсатаверинг!

Кейинчалик Йўлчи Каримов Тошкент округи милиция бўлими бошлиғи лавозимигача кўтарилди.

У билан бирга ишлаган одамлар Йўлчи Каримовнинг хотин-қизлар озодлиги учун курашга, айниқса, катта ҳисса қўшганлигини миннатдорлик билан гапирадилар: қаерда чигал масалани ҳал қилиш керак бўлса, ўша ерда баланд бўйли, йўғонидан келган кўзлари доим чақнаб турадиган Йўлчи пайдо бўларди.

1928 йилнинг ўрталари Зангиотадан нохуш хабар келди. Паранжи ташлаган тўрт аёл ваҳшийларча ўлдирилибди. Йўлчи Каримовни шу қишлоққа ишга юбордилар.

— Худди кечагидай эсимда, — дейди колхоз тузуми ветеранларидан **Тангриқул ака Худойбердиев.** — Мен у маҳалда ёш бола эдим. Зангиотадаги яккаю-ягона ҳисобланган халқ мактабига қатнаб ўқирдим. Бир куни ўқитувчимиз «Болалар, кетиб қолманглар, йиғилиш бўлади» деб бизларни олиб қолди. Мактаб ҳовлисидаги катта сайхонликка одамлар тўплана бошлади. Бироздан сўнг ийманиб, бир-бирларининг пинжларига кириниб, бир тўда паранжилик хотин-қизлар келишди. Уларнинг ҳаммаси гуж бўлиб бир чеккага бориб туришди. Катта гулхан ёқилди. Ўқувчиларимиздан бири Ҳамзанинг хотин-қизларга бағишлаган «Келди очилур чоғинг» шеърини ўқиди.

Катта тепалик устига чиқиб Йўлчи сўзлади:

— Етар, шунча қўлликда, чўрилликда юрганингиз. Сизлар очиладиган замон келди.

Йўлчи аканинг бу сўзлари Ҳамза шеърига ҳамоҳанг бўлиб баралла янгради.

Йўлчи ака бу сўзларни айтар экан, «қани Унсин, ўзинг бошла», деб даврадаги аёллардан бирига қараб қўйди.

Йўлчи аканинг хотини даврани ёриб чиқди. Гулханга яқинлашиб, паранжисини бошидан олди ва ловуллаб ёнаётган оловга ташлади. Ўша куни жуда кўп хотин-қизлар паранжиларини гулханга улоқтирдилар. Орой Тошмуҳамедова, Бупочча, Тожинисо, Инобат, Ҳадичалар гулхан ёнидан шодон қайтишди.

Қишлоқда паранжи ташлаш кучайиб кетди. Ҳамма ерда Йўлчи Каримовнинг номини ҳурмат билан тилга ола бошладилар. Ҳатто у ҳақда қўшиқлар ҳам тўқидилар:

Ола отнинг тақаси,
Нонбжоннинг ёқаси,
Хотинларни озод қилган
Йўлчи деган акаси

Йўлчи ака эндн қишлоқда саводсизликни тугатиш учун курашда ҳам актив қатнаша бошлади. У янги мактаб биноси қуришга ўзи бошчилик қилди, мактабга ҳам унинг ўзи директорлик қила бошлади.

— Тинмй-тинчимас, ғайратли одам эди,— деб эслайди ҳозирги пайтда 103-мактабда ўқитувчилик қилаётган **Мирослон ака Мирхожиев,** — мен у маҳалда илмий ишлар мудири эдим. Йўлчи ака бу мактабга катталарни ҳам тортди. Тез орада ўқувчиларимиз сони 200 дан ошиб кетди.

Йўлчи Каримов кейинчалик колхозда партия ташкилотининг секретари, раис бўлиб ишлади. У Ўзбекистон коммунистларининг 1—11 съездларида делегат бўлиб қатнашди.

— 1933 йилдаги очарчиликни тугатиш пайтларида Йўлчи аканинг хизмати катта бўлди. — дейди пенсионер **Маҳмуд ота Турсунов,**— ўша йилнинг кузида қирдаги жуда катта майдонга ўзи бош бўлиб бугдой септирди. Уримда ҳам ўзи бош-қош бўлди. Унинг қўлида икки ой бугдой ўрдик. У дам қўлига ўроқ олиб, биз биздан бугдой ўришар, дам араваларга бугдой ортишарди.

Унсурлар Йўлчи Каримов сингари оташнафас, довюрак ташкилотчи одамларни кўролмас, панада туриб тош отардилар. Ўшанда қишлоқ Совети раислигига сайланган Йўлчи ака шу унсурлар билан жиддий кураши.

Аммо улар Йўлчининг пайига тушган эдилар. Кунларнинг бирида уни заҳарлаб ўлдирдилар. Йўлчи ака талпиниб жон берар экан, «Яшагим ва яна яшагим келади» деб хитоб қилди.

Толмас жангчи, мард коммунист Йўлчи Каримовнинг хотираси Янгийўлдаги Зангиота қишлоғида абадийлаштирилган. 103-мактаб, Свердлов номли совхознинг клуби, қишлоқдаги кўчалардан бири унинг номига қўйилган.

Йўлчи Каримовнинг ёркин хотираси халқ қалбида ҳамиша сақланади.

Н. РИХСИЕВ,
А. ИНОҒОМОВ.



Юрий Дебердиев 11-трест 17-қурилиш бошқармасининг комплекслашган бригадасига бошчилик қилади. У бошлиқ бригада айни кунларда энергетика министрлигига қарашли маъмурий бинони бунёд этишмоқда. Суратда: Ю. Дебердиев бетон устунларнинг тўғрилигини аниқламоқда.

И. Шонноғомов фотоси.

ОЗОДАЛИК ЖОНКУЯРИ

Халқимиз тозалик дил равшанлик деб жуда тўғри айтади. Кўчакўй, ҳовли-жой озода, кўркам бўлса баҳринг очилади, кўнглинг яйрайди. Бизнинг Тўйтепа посёлкамизда ана шу масалага катта эътибор берилмоқда.

Район милиция бўлими посёлкада озодаликни таъминлаш мақсадида санинструкторлар тайинлади. Бу вазифани жонкуяр, ташаббускор Комилжон Жалолов жуда яхши ўтаяпти. Санитария ва гигиена қоидаларини сақлаш ва унга риоя қилишда медицина ходимларига яқиндан ёрдам бераяпти.

Комилжон Жалолов посёлканинг маданият ва истироҳат боғида, ошхона ва ресторанда, чойхоналарда тез-тез бўлиб, бу жамоат жойларида доимо озодалик бўлишини таъминлаб келяпти.

Авангард посёлкасидаги мато ювиш фабрикасининг теварак-атрофи Комилжон Жалолов бошчилигида текширib чиқилди. Аниқланишича аричлар бўйи, айрим кўчалар чиқинди ва ахлатлар билан ифлосланиб ётганлиги аниқланди. Фабрика ҳузурида санитария-гигиена уйи йўқлиги маълум бўлди. Комилжон Жалолов жамоатчиликнинг ёрдами билан уч-тўрт кун ичида бу фабрикада ҳашар ишлари ўтказди. Ҳозир фабрика атрофи тоза, баҳаво жойга айланди. Шунингдек, қишлоқ ва посёлка советларида ҳам санитария-гигиена профилактикаси яхши йўлга қўйилди.

Биз совет милицияси байрами кунида Комилжон Жалолов ва унинг касбдошлари Ғ. Юнусов, Қ. Лаҳанов каби жонкуяр санинструкторларга раҳмат айтиб, байрам билан табриклаймиз.

А. ҚОДИРОВ.

Суратда: «Главташкентстрой»га қарашли 153-трест 2-қурилиш бошқармасининг пешқадам қурувчиларидан Ориф Пўлатов ва Виктор Синютин ўртоқлар. Улар Краснодон кўчасида қурилаётган китоб магазини қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.





Юсуф Сокинбоев Тошкентдаги «Эталон» заводининг илғор слесарларидан ҳисобланади. Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари ado этиш учун интилаётган бу йигит ҳозирда келаси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Суратда: Ю. Сокинбоев.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ИНСТИТУТ ЮБИЛЕЙИГА ТАРАДДУД

БИЗНИНГ СУҲБАТ

— Аввалом бор институтнинг юксак мукофот—Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланганлиги билан сизларни муборакбод этамиз.

— Раҳмат, раҳмат,—дейди ректор Ў. ОРИПОВ.—Чиндан ҳам бу орден медицина олий ўқув юрти кўп сонли профессор-ўқитувчилари коллективининг қайноқ меҳнати учун, уларнинг малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлидаги хизматлари учун берилган юксак мукофотдир. Бу, партия ва ҳукуматимизнинг олий таълим равнақи йўлида қилаётган буюк ғамхўрлигининг яна бир жонли ифодаси бўлди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ТАРИХИ ҲАҚИДА БИР-ИККИ ОГИЗ ГАПИРИБ БЕРСАНГИЗ?

— Институтимиз тарихи Ўрта Осиё Давлат университетининг очилиши билан узвий боғланиб кетади. Улуғ дохийимиз В. И. Ленининг машҳур Декрети асосида ташкил топган бу йирик олий ўқув юрти республикада медицина фани ривожида ҳам муҳим роль ўйнади. Университет ҳузуридаги медицина факультети 1919 йилнинг 2 августида очилган эди. Атоқли медик олим П. П. Ситовский унинг биринчи декани қилиб тайинланди. Факультет ўшанда кадетлар корпусининг биносида жойлашган эди. 1920 йилнинг кузига келиб медицина факультети илк талабаларини ўз бағрига олди.

Орадан ўн бир йил ўтгач, факультет мустақил олий ўқув юрти бўлиб ажралиб чиқди. Ўшанда у Ўрта Осиё медицина институти деб аталарди. Кейинчалик эса бу олий ўқув юрти Тошкент Давлат медицина институти деб юритила бошланди.

Бу ўринда рус олимларининг институт равнақига қўшган ҳиссалари ҳақида гапирмай ўтиб бўлмайди. Дохиймиз Ленин йўлланмаси билан Туркистонга келган атоқли рус энёлиларидан П. П. Ситовский, Е. М. Шляхтин, И. Л. Рождественский, В. В. Васильевский, И. Н. Маркелов ва бошқа олимлар катта фаолият кўрсатдилар. Медицина факультетини ташкил этишда П. Ф. Слонин, А. Д. Грековларнинг хизматлари катта бўлди. А. Алексеев, П. Самсонов, В. Петров, Т. Нажмиддиновларнинг безгак, вабо каби оғир касалликларни тугатиш устида олиб борган тадқиқотлари яхши самаралар берди. Атоқли шифокорлар М. Слоним билан А. Асқаровларнинг ижодий ҳамкорлиги фан хазинасига дурдоналар бўлиб қўшилди. Жигар касалликлари паталогиясини тадқиқ этиш борасида қатор ишлар қилинди.

Шу асосда институт фаолият доираси кенгая борди, клиника ва биофизика лабораториялари очилди. Электрон микроскопия, цитометрия, биохимия, физиология ва гистохимия бўлимлари иш бошлади. Эндиликда институтимиз мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот марказларидан бири бўлиб қолди.

Ўтган давр ичида 20 мингдан ортиқ студент институтни муваффақиятли тамомлади. Улар ҳозир мамлакатимизнинг турли бурчакларида аҳоли саҳат-саломатлиги йўлида фаол меҳнат қилмоқдалар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, битириб кетган студентлар вақтивақти билан учрашиб турадилар. Бундан 35 йил ва 30 йил муқаддам ҳаётга йўлланма олган шифокорларнинг учрашув кечаларини ҳали-ҳали эслаймиз.

— ИНСТИТУТНИНГ ЭРТАНГИ ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

— Яқин келгусида олий ўқув юрти қучоғида ўн минг студент таҳсил кўриш имкони туғилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Советининг қарори билан институт биносининг янги комплекси қуришга киришилди. Янги ўқув йилининг биринчи кунида бино пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Ўқув корпусида ҳамма имкониятлар муҳайё қилинади. Олти қаватли бош корпус ёнида цитотуғиниш ихтисослаштирилган клиникалари жойлашади. Даволаш корпуси уч минг беморга мўлжалланаяпти.

Институт юбилейи муносабати билан қатор тадбирлар амалга оширилди. Олий ўқув юртининг шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи тўплам тайёрланди.

Москвада бўлиб ўтган аълочи студентларнинг Бутуниттифоқ слётига институтимиздан ҳам вакиллар қатнашдилар. Слётда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев мазмунли ва программ нутқ сўзлади.

Слёт якуни муносабати билан институтимизда тантанали митинг бўлиб ўтди. Сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар ва студентлар партия ва ҳукуматимизнинг олий таълим равнақи тўғрисида қилаётган ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб қайтаришга сўз бердилар.

Тошкент Давлат медицина институти ректори ўртоқ Ў. Орипов олий ўқув юртининг юбилейини ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берди.

А. АЛИЕВ.

БИРИНЧИ ДАРС—ЛЕНИН ДАРСИ

Комсомол маорифида янги 1971—72 ўқув йили машғулотларининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Бу йилги сиёсий ўқишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда партия ҳужжатларини, доҳийнинг айрим асарларини чуқур ўрганиш, шу асосда ҳар бир комсомол аъзосининг съезд қарорларини, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик планини адо этишдаги ўрнини аниқ белгилаб олиш кўзда тутилмоқда.

Область комсомол ташкилотлари Ленин дарсларини ўтишда маълум тажриба тўплаганлар. Бундай дарслар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган тарихий кунларда пайдо бўлди ва кўп минг сонли тингловчиларга жуда маъқул тушди.

Бултур Ленин дарслари «Ташсельмаш», «Узбекхиммаш», «Таштекстильмаш», Чкалов номли Тошкент самолётсозлик заводи ва бошқа корхоналарда жуда қизиқарли ўтказилди. Бундай дарсларда В. И. Ленининг «Ёшлар союзининг вазифалари», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Буюк почин», «Мусобақани қандай ташкил этиш керак?» сингари асарлари ўрганилди ҳамда «Ленин васиятларига содиқмиз», «Ленинча яшаш ва ишлаш нима? «Коммунизмни ўрганиш тўғрисида Ленин васияти», «Ишчилар синфи жаноб олийлари», «Ленин ва партия ишига содиқмиз» деган умумий номлар остида ўтди.

Область комсомол ёшлари сакқизинчи беш йиллик планини бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Мана энди янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳам яхши меҳнат қилмоқдалар. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, область халқ хўжалигида комсомолларимизнинг 40 процентдан ортиқроғи ишлаб турибди. Енгил саноат ва машинасозлик, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида ёшлар ҳамма ходимларнинг 65—70 процентини ташкил этади. Йигит ва қизлар коммунистлар билан биргаликда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик ҳаракатларининг ташаббускори бўлиб чиқмоқдалар. тўққизинчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Ҳозир областимизда 14 мингдан ортиқ ёш йигит-қиз 1972—73 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқда, 70 мингдан ортиқ йигит-қиз эса тўққизинчи беш йиллик биринчи йили топшириғини бажариш арафасида турибди.

«Беш йиллик — менга, мен — беш йилликка» деб номланган Ленин дарсида областимиз бўйича 85 мингдан ортиқ йигит ва қиз иштирок этади. Бу йилги Ленин дарсларида ҳам ўтган ва мукаммал ўрганиш учун қўйидаги масалалар тавсия этилмоқда:

— Сиз ва бирга ишлайдиган ўртоқларингиз партия XXIV съезди ҳужжатларини, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик планини ва ундаги партия Директиваларини қандай ўрганмоқдасиз?

— Мамлакат иқтисодий тараққиёти ҳозирги босқичининг ҳусусиятлари ва тўққизинчи беш йиллик план вазифалари;

— Халқ фаровонлигини ўстириш—партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади;

— Тўққизинчи беш йиллик планини бажаришда ҳар бир комсомол ташкилоти, ҳар бир йигит-қизнинг роли ва ўрни;

— XXIV съезд қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида;

— XXIV съезд Совет жамиятининг социал-сиёсий ривожланиши тўғрисида, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида комсомолнинг ўрни тўғрисида;

— Сизнинг комсомол ташкилотингиз ҳар бир йигит-қизнинг умумий таълими, сиёсий, маданий-техникавий савиясини оширишда, уни маънавий ва эстетик тарбиялашда нималар қилмоқда?

— КПСС XXIV съезди социалистик мусобақа ва меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантириш тўғрисида;

КОМСОМОЛ МАОРИФИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИГА МЕТОДИК ЁРДАМ

— Социалистик онгга асосланган интизомнинг муҳимлиги. Сизнинг коллективингизда тўққизинчи беш йилликни бажаришда иштирок этишдан ҳеч ким четда қолмаслиги учун нималар қилиняпти?

Идеология ишларида энг олдинги ўринда турга нвазифалардан бири совет кишиларида меҳнатга янги, коммунистик муносабатда бўлиш фазилатларини тарбиялашдир. Тўрмуш Владимир Ильич Ленининг «Янги меҳнат интизомини барпо қилиш, одамлар ўртасида янгича ижтимоий алоқа формаларини барпо қилиш, одамларни меҳнатга жалб этишнинг янги форма ва усулларини барпо қилиш, бу—кўп йилларга ва неча ўн йилларга борадиган ишдир»,— деб айтган сўзларининг нақадар тўғрилигини тамомила исботлаб турибди. Пропагандист ёш йигит ва қизларни сиёсий ва маънавий тарбиялашга алоҳида эътибор бериши, айни чоқда ҳар бир кишига коллективда тутган ўз ўрнини, беш йилликка қўшадиган ҳиссасини аниқлаб олишига ёрдам бермоғи зарур.

Ленин дарси ёшларнинг беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажаришдаги ишлари якунига, айни вақтда ҳар бир ёш йигит-қизнинг ишлаб чиқаришдаги, комсомол ташкилоти ҳаётидаги ўрнини белгилаб берадиган компасга айланиши керак. Агар тингловчилар дарсга тайёргарлик жараёнида бир қатор амалий топшириқларни бажарсалар, масалаларни муҳокама қилиш пайтида уларнинг активлиги янада ошади. Масалан, корхона ёки колхознинг тўққизинчи беш йилликда ривожланиш планлари ҳақидаги материалларни тўплаш, комсомол ташкилотининг иш вақтидан оқилона фойдаланиш кўригида, «Беш йиллик заҳдбор меҳнат, маҳорат ва изланиш билан ado этилади» деган шиор остидаги мусобақада иштирок этиши, ходимларнинг шахсий беш йиллик плани, умумий таълим ва ҳунар-техника тайёргарлигини оширишнинг шахсий планини ишлаб чиқиш яхши самаралар беради. Бу ишда кўпроқ мутахассислар, партия ва комсомол комитетларининг ёрдамига таяниш керак.

Ленин дарсларини мазмунли ўтказиш учун ҳар бир тингловчи машғулот плани, адабиёт, амалий топшириқ билан олдиндан таниш бўлгани дуруст. Бунинг учун пропагандистлар тингловчилар билан олдиндан учрашиб суҳбатлашиб олсалар, шунингдек оммавий ахборот воситалари — кўп нусҳали газета, деворий газета, радио эшиттиришларидан фойдаланилса, яхши бўлади.

Комсомол комитетларида, партия маорифи кабинетларида пропагандистлар ва тингловчилар учун назарий ва методик масалалар юзасидан консультациялар уюштириш зарур. Бунда адабиётларни танлаш, коллектив, район, область ҳаётидан олинган ҳамда, ҳар бир ёш йигит-қизнинг тўққизинчи беш йиллик биринчи йили топширигини бажариш, иқтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги иштироки тўғрисидаги материалларни тўплаш керак бўлади. Шунга эришиш-зарурки, Ленин дарслари ҳамма жойда қизиқарли, мазмунли ва тингловчиларнинг ниҳоятда активлиги билан ўтсин.

Ленин дарсларига тайёргарлик кўришда қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин:

В. И. ЛЕНИН. Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари, 4-нашр, 27-том.

В. И. ЛЕНИН. Буюк почин, 4-нашр, 29-том.

В. И. ЛЕНИН. Кооперация тўғрисида. 4-нашр, 33-том.

КПСС Марказий Комитети Ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг резолюцияси.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди-нинг Директивалари.

Л. И. БРЕЖНЕВ. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездига ҳисобот доклади.

Л. И. БРЕЖНЕВ. РСФСР Олий Советига депутатлар сайлаш бўйича Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари олдида 1971 йил 11 июнда сўзланган нутқ.

ВЛКСМ Марказий Комитети IV Пленумининг ҳужжатлари ва материаллари. 1971 йил, 27 апрель.

Е. М. ТЯЖЕЛЬНИКОВ. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида сўзланган нутқ. «Правда». 1971 йил 4 апрель.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг II, IV Пленумларининг ҳужжатлари ва материаллари. «Партия турмуши» журнали, 1971 йил 7—9 сон.

«КПСС XXIV съезди якунлари ва республика комсомол ташкилотининг вазифалари тўғрисида» республика комсомол активининг материаллари. «Ёш ленинчи». 1971 йил, 22 май.

Л. МАХЛИНА,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитети сиёсий маориф уйининг консультанти.

БЕКОБОД ЯНГИЛИКЛАРИ

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

«Победа» колхози йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Колхоз пахтакорларига янги турар-жой бинолари, сартарошхона, клуб, чойхона қурилиб, уларнинг маданий дам олишлари учун шарт-шароит яратиб берилган.

Яқинда колхознинг 3-участкасида 350 ўринли болалар боғчаси қад кўтаради. Колхоз қурилиш бригадасининг бошлиғи А. Жўраев бошчилигидаги қурувчилар, жумладан, А. Кенжаев, Х. Ўтагенов, А. Холиқулов, А. Абдужабборов ўртоқлар болалар боғчаси қурилишини тезлатиш мақсадида қурилиш нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар. Боғча янги йилгача фойдаланишга топширилади.

РАВОН ЙЎЛЛАР

Авваллари 2-«Далварзин» совхози билан «Социализм» пахта пункти оралигидаги йўллар ўқир-чўқир эди. Бу йўлдан қатновчи автобуслар, пахта ташувчи машиналар анча қийинчиликларга учрарди.

Яқинда 2 километрдан ортиқ бўлган бу йўл тикланиб, асфальтланди. Равон йўлдан қатновчилар район йўл қурилиш бошқармасининг ходимларидан мамнун бўлмоқдалар.

90 ЎРИНЛИ БОЛАЛАР ЯСЛИСИ

3-«Далварзин» совхозининг марказида 90 ўринли болалар яслиси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу яслида совхознинг 90 та ўғил ва қизлари тарбияланмоқда. Совхоз пахтакорлари бу қулайликлардан беҳад хурсанд.


10-ТА СИНФ ХОНАСИ

Район қизлар педагогика билим юртининг талабалари ҳар йили икки сменада билим олишар эди. Бу йил ўқитувчилар ҳамда билим юрти талабаларининг кучи билан 10 та янги синф хонаси қурилиб, студентлар ихтиёрига топширилди.

Эндиликда билим юртининг 280 дан ортиқ талабаси яхши жиҳозланиб, барча қулайликларга эга бўлган синф хоналарида билим олишмоқда.

А. ЭГАМҚУЛОВ.

БУЮК ИНСОНПАРВАР АДИБ



Гениал рус ёзувчиси Федор Михайлович Достоевский рус ва жаҳон классик адабиётининг олтин хазинасига улкан ҳисса қўшган адиб дир.

У яратган чинакам реалистик ва ғоявий мураккаб романлар ўз даврида жуда қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Бизнинг асримизда эса жаҳонда асарлари энг кўп таржима этиладётган адиблар қаторида Шекспир билан ёнма-ён Достоевский турибди. Унинг зўр эҳтирос билан ёзилган романлари ҳақида юзлаб рисолалар яратилялти, улар ҳамон зўр ғоявий тўқнашув ва музокараларга сабаб бўляпти.

Достоевский асарларида у яшаган даврдаги рус кишиларининг аянчли тақдирлари зўр маҳорат билан тасвирланибгина қолмай, балки умумбашарий фалсафий чуқур проблемалар ҳам олға сурилади. У яратган қаҳрамонлар ҳамиша у ёки бу ҳаёт фалсафасини тарғиб этиб, шунга муваффиқ яшаш ва курашишга интиладилар, ғоят мураккаб ҳаётий масалалар ҳақида бош қотирадилар. Зотан Достоевский яшаган давр ҳам мураккаб давр эди. Феодал асослар қон-қонига сингиб кетган Россия капитализм томон юз бурган, рус жамияти социал-иқтисодий ва маънавий фожиани бошидан кечираётган, ўткир ғоявий курашлар авж олган давр эди бу.

Ф. М. Достоевский 1821 йил 11 октябрида туғилди. 15 ёшида отаси билан Петербургга келиб, у бош инженерлик ўқув юртига кирди. Аммо у адабиётни болалигиданоқ жондан севган, ҳаётга синчков қарайдиган бўлгани учун Петербургда жаҳон ва рус адабиётининг энг яхши намуналари билан кенг танишади. Сўнг ўзи ҳотирлаганидек, 1845 йилнинг қиш ойларида «ҳанузгача ҳеч нима ёзмаган одам «Камбағал кишилар» деган қиссани бошлайди». Аммо, уни кимнинг қўлига бериш керак? Ниҳоят, у адабиётдаги ягона таниши Д. В. Григорович орқали ўз романини Некрасовга топширади. У эса Белинскийга ҳали ҳеч кимга номаълум ёш адибнинг асарини тақдим этади. Буюк танқидчи «Камбағал кишилар»га дарҳол юқори баҳо бериб, Достоевскийни ўз ҳузурига келишини сўрайди ва келгусида унинг адабиёт соҳасида порлоқ келажакка эга бўлишига зўр умид билдиради. «Камбағал кишилар»ни биринчи социал роман деб таърифлайди.

Бу бежиз эмас эди, чунки Достоевский шу дастлабки асаридаёқ ўзини Гоголнинг истеъдодли шогирди эканлигини намойиш этиб, унинг изидан бориб, эзилган ва хўрланган рус кишиларининг ҳис-туйғулари ва ўй-орзуларини чуқур психологизм билан тасвирлайди. У бутун ижоди давомида ҳам ана шундай ночор, қашшоқ, аммо руҳан бой, нозик таъб, ўткир ақлли, замон зулмини кўтаришга мажбур бўлган кишиларнинг жўшқин ҳимоячиси бўлиб қолди ва буни ўзи учун ҳамиша шараф деб билди.

Тез орада Достоевский утопик социализм идеяларини тарғиб қилиш билан маҳфий шуғулланаётган Петрашевский тўгарагига яқинлашди. Аммо кўп ўтмай Белинскийнинг Гоголга ёзган революцион руҳдаги хати ўқилган яширин тўгарак йиғилишида қатнашгани учун қамоққа олинади ва саккиз ой Петропавловск турмасида ўз тақдирини кутиб ётади. Шундан сўнг у бошқа ҳамфикрлари қатори ўлимга ҳукм қилинади. Бироқ, ҳукм отиш йўли билан ижро этилай деб турган бир пайтда Николай I буйруғи билан ўлим жазоси Достоевский учун ўн йиллик каторга сургуни билан алмаштирилади ва у Сибирга жўнатилади.

Достоевский ўлим олдидаги даҳшатли дақиқаларни ҳам, Сибирь сургуни йилларидаги азоб-уқубатларни ҳам мардонаворлик билан бошидан кечиради. У каторгада узоқ муддат сургунга ва аста-секин ўлиб боришга маҳкум этилган жиноятчилар ва солдатларнинг аянчли ҳаёти билан яқиндан танишади.

Ниҳоят 1859 йилда Достоевский Петербургга сургундан қутилиб келди ва дарҳол ўзининг улкан ижодий режаларини амалга ошира бошлади. Сибирь каторгасидан у руҳан бақувват, ўз истеъдодига дадил ишонч ва мустаҳкам ирода билан қайтиб келганди. Адиб айни вақтда «Эзилганлар ва ҳўрланганлар» ҳамда «Улик уй хотиралари» деб номланган иккита катта асар билан яна адабиётга қадам қўяди.

«Улик уй хотиралари» замондошлар, жумладан, Герцен, Тургенев ва Лев Толстой, томонидан ғоят хуш қабул қилинади. Бу асарида Достоевский Сибирь каторгасида турли жиноятлари учун ҳукм этилган ҳар тоифадаги кишиларнинг ғоят аянчли турмуши манзараларини яратади ва бундай дўзахни яратган тузумни эҳтирос билан айблайди: «Мана шу деворлар ортида қанчадан-қанча бақувват кучлар бу ерда беҳуда нобуд қилинди экан! Ахир шуни айтиш керакки, булар бутун халқимизнинг, эҳтимол, энг қобилиятли, энг кучли тоифаси бўлгандир! Аммо, қудратли кучлар беҳудага нобуд бўлди, бекорга, ғайриқонуний, абадул-абад йўқ бўлди. Ким айбдор? Ҳа, ким айбдор?»

60-йилларнинг ўрталарида Достоевский ўзининг проблематик мураккаблиги билан замондошларини ҳайратда қолдирган машҳур катта романи — «Жиноят ва жазо»ни яратади.

Романнинг бош қаҳрамони — зўр қобилиятли, ўз идеяси йўлида қурбон беришга ҳам тайёр Родион Раскольников. У жуда қашшоқ ҳаёт кечиради, тобутга ўхшаш чордоқда яшайди. Бутун тириклиги онаси билан синглиси зўр-базўр юборib турадиган пул билан. Ундан ташқари, ўз мижозларини қондек сўрувчи ёвуз, судхўр аёлдан унча-мунча омонат ҳам олиб туради.

Аммо уни фақат ўз қашшоқлигигина азобламайди. Петербургнинг «паст» табақасига оид минглаб кишиларнинг ночор аҳволи, маънавий қашшоқлиги ҳам уни қийнайди. Бундай ҳаёт билан у асло чиқишолмайди. Мана, Мармеладовлар оиласининг бошлиғи фожиали ҳалок бўлгач, хотини ва болалари бошпана ва бир бурда нонсиз қолади. Бечора телба она кичик болалари билан қаерга борсин? Катта қиз Соня эса ўз иффатини қурбон қилиб, кўчадан топиб келаётган чақаларига оилани тебратиб турибди. Аммо ота ўлгач яна бир қизи ҳам шу йўлдан бориши керак. Бўлмаса, улар очликка маҳкум бўлишади. Бир ёқда эса ҳалиги қари сутхўр кампир сандиқда минглаб тилла сақлайди.

Бу аччиқ адолатсизлик Раскольниковга кўп азоб беради. У бирон бир кураш йўлини топмай, судхўр кампирни ўлдиради. Бироқ бу жиноят ўз кетидан маънавий жазони бошлаб келади. Раскольниковнинг «буюк зотлар ўз олижаноб манфаатлари йўлида ҳар қандай йўлдан, ҳатто ўзларига номақбул одамларни қириш йўлидан ҳам боришга ҳақлидирлар, уларга ҳамма нарса мумкин» деган фалсафаси инқирозга учрайди. У қотил эканини айтиб, ўзини суд қўлига топширади. Унинг учун бундан бошқа йўл қолмайди.

Бу романда буюк адиб аянчли ҳаёт манзараларини шекспирона маҳорат билан яратади. Айни чоқда инсон руҳи ва тафаккурининг мураккаб ҳаётий масалаларини қўйиш ва ҳал этишдаги зиддиятли характерини чуқур психологизм билан очиб беради. Достоевскийнинг бу тенгсиз маҳорати унинг «Телба», «Ўсмир», «Ака-ука Карамазовлар» каби романларида янада ёрқин кўзга ташланади.

Хусусан, «Телба» романи ҳам Достоевскийнинг уста романист сифатидаги шуҳратини янада оширди. Романнинг бош қаҳрамони князь Мишкин адиб томонидан баркамол шахс сифатида гавдалантирилади. У ҳақгўй, соддадил, олижаноб, ақлли одам, аммо зулм ва хусусий мулкка асосланган, фақат «пули бор одам ҳамма ерда одам» деган қонун ҳукмрон бўлган, аёллик иффати ҳўрланган маънавий қашшоқ ва ахлоқий бузуқ буржуа жамиятида бундай олижаноб одам ортиқча бўлиб қолади.

Достоевскийнинг энг машҳур «Ака-ука Карамазовлар» номли романидаги Алеша Карамазов ҳам шундай «телба»лардан. У ҳаётнинг кундалик мураккаб масалалари устида кўп ўйлайди, ўзгаларни яхшиликка, эзгуликка, маънавий покликка ундайди. Аммо у ҳам жирканч отаси билан катта акасининг Грушенька исмли аёл учун бўлган кирпичоқ жанжалларига қарши дадил бормайди.

Ана шу оилавий фожиа фонида Достоевский бу романида ҳам рус воқелигининг аянчли манзарасини чизади.

Достоевский ижоди серқирра ва ғоят мураккаб. У ўзининг буюк романларида ижтимоий тараққиётнинг, умуминсоний проблемаларнинг асосий ва зиддиятли томонларини ҳал қилишга интилди, мураккаб ижтимоий муаммоларни,ҳал қилиш йўлларини зўр эҳтирос билан излади. Гарчи у ғоявий жиҳатдан беқарорлик қилиб, баъзан реакцион идеологик ғояларни ҳимоя қилган бўлсада, гениал адиб сифатида юксак ҳаққоний реализмга содиқ қолди, бутун ижоди давомида инсонпарвар ғоя интилишларнинг жўшқин тарғиботчиси бўлди.

Шунинг учун ҳам эндиликда бутун прогрессив инсоният Достоевскийни энг буюк даҳолари қаторига қўйиб, уни ҳурматламоқда. Ҳудди шу боисдан мамлакатимиз халқлари буюк инсонпарвар адиб Ф. М. Достоевский туғилган кунининг 150 йиллигини кенг нишонлаб, у билан фахрланмоқда.

Илҳом СУЛТОНОВ.



МАҲКАМ МАВЛОНОВ

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг илғор бригадирларидан ҳисобланади. У раҳбарлик қилаётган коллектив аъзолари картошка ва сабзавот экинларидан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Суратда: М. Мавлонов (ўртада) бригада аъзолэри Ғ. Хасанов (чапда) ва К. Рихснев ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

ФЕРМА ИШИ ЯХШИЛАНСИН

Келесдаги колхозлараро чўчқачилик фермаси Калинин районида ягона ферма ҳисобланади. Фермада 1400 та чўчқа бўлиб, шундан 300 таси она чўчқадир.

— Бизнинг шароитимизда,— дейди ферма бошлиқларидан Абдулла Ҳошимбеков,— бўрдоқи чўчқа боқиш, қорамол боқиш жуда қулай, кейинги 2-3 йил ичида давлатга гўшт сотиш плани муваффақиятли бажарилишининг сабаби ҳам шунда. Илгари 50 га яқин қорамол бор эди. Ҳозир уларнинг сони 500 тага етди.

Дарҳақиқат, фермада қорамоллар йил сайини кўпаймоқда. Чўчқаларни болалатиш ва семиртириш юзасидан барча тадбирлар қўрилди. Янгидан 3 та чўчқахона қурилди, яна бир молхона бинокори қурилаётир.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири озуқа базасидир. Фермага концентрат озуқа давлат фондидан олинади. Бундан ташқари чўчқачилик фермаси ихтиёрида 50 гектар ер бор. Илгари бу ерга беда, лавлаги, ковоқ каби экинлар экиларди. Лекин, бу йил шу майдонга ковуп, тарвуз, бодринг, помидор, картошка экилди. Ферма мудири Иван Кириченконинг бу ишига сира тушуниб бўлмайди. Бунинг устига ана шу экинлар қўриқланмаганидан молдар пайҳон қилиб юрибди.

Колхозлараро чўчқачилик фермасини ривожлантириш учун барча шароит мавжуд ва уидан фойдаланиш, имкониятларни ишга солиб ферма ишини яхшилаш лозим.

Ю. БАҲОДИРОВ.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИҚОД САМАРАСИ

Илгари пахтакор хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш мушкул, деган тушунча бор эди. Лекин кейинги йиллар бу гапларнинг беҳудалигини, чорвага ҳудди пахтага бўлгандай эътибор кучайтирилса, пахтакор хўжаликларда ҳам чорвачиликни фойда келтирадиган соҳага айлантириш мумкин эканини кўрсатди.

1969 йилда бизнинг колхоз чорвачиликдан фойда ўрнига 90 минг сўм зарар кўрган эди. Бултур чорвачиликдан келган зарар хийла камайиб, 18 минг сўмга тушди. Бу йил эса колхозимиз чорвадорлари бу соҳани ҳам фойда келтирадиган даражага етказиш учун астойдил курашдилар. Бултур ўн ойда пландаги 168 ўрнига 116 тонна сут соғиб олинган эди. Бу йил эса шу давр ичида 168 ўрнига 178 тонна сут соғиб олинди — 10 ойлик план 111 процент бажарилди. Бошқача қилиб айтганда, булгурги шу даврдагига нисбатан 62 тонна кўп сут согилди. Ўн ойда ҳар сигирдан 1450 ўрнига 1631 литрдан сут соғиб олинди.

Ҳар бир сигирдан согилган сут 1969 йилга нисбатан 900, булгургига нисбатан 700 литрдан ошди. Йил охиригача — 2000 литр бўлиши учун кўрашилмоқда.

Юқоридаги фактлардан колхозимизда чорва маҳсулотлари етиштиришда жиддий бурилиш бошлангани кўриниб турипти. Хўш биз бунга қандай эришдик. Сигирларимизнинг зотини унча яхшилай олганимиз йўқ. Фермада асосан қўлбола сигирлар бор. Улардан бу йил илгаригига нисбатан анча кўп сут олишяпти. Чунки, «сигирнинг сути тилида» деганлек, молларни зарур озуқа билан тула таъминлаш учун бир қатор тадбирларни амалга оширдик.

Икки йил илгари қишда ем-хашак етишмаганидан қўшни колхозлардан 100 тонна силос сотиб олинган эди. Бундан тўғри хулоса чиқариб, колхозимиз кўпроқ ем-хашак етиштиришга катта аҳамият бера бошлади. Ҳосил бермайдиган эски бедапоялар бузилди. Силос, сенаж, дағал ем-хашак қўпроқ тайёрлана бошланди. Бу йил 70 гектар ерга маккажўхори экилди. Янги-эски бедапоя 110 гектарга етди. 5 гектар ерда лавлаги, 4 гектар ерда суданка, 22 гектар ерда бедага қўшиб сули, 20 гектар ерда жавдари ўстирилди. Колхозимизда беда ҳосилдорлиги 110 центнердан ошди.

Шундай қилиб, сигирлар бутун ёз давомида кўк ўт билан тўла таъминлаб турилди. Айрим ерларга такрорий маккажўхори экиб, кўп ўриб едирилди.

Колхозимизда Ёқубжон Воҳидов бошлиқ махсус ем-хашак тайёрлайдиган бригада бор. Бу бригадада 7 киши ишлайди. Ҳозир ҳар бир сигир ҳисобига 3,5 тоннадан сенаж, ҳар бир қорамолга 5 тоннадан силос босилди. 3 тоннадан дағал хашак тайёрланди. Сомон ва похоллар прессдаб тойтой қилиб боғлаб қўйилди.

Ферма биполари — молбоқарлар, сигир согувчилар турадиган хоналар ҳам ремонтдан чиқарилди.

Колхозимизда чорвачиликни ривожлантиришда бригада бошлиги Хайрилла Аҳмедов, молбоқар Зоид Сиддиқов, сут согувчи Соня Хўжақулова сингари кишиларнинг хизматлари катта бўлаяпти.

Бу йил ғўзт тайёрлаш плани 101 процент бажарилди. Ғўзтга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 321 килограммдапга тўғри келди.

Хўжалигимизнинг асосий тармоғи — пахтачилик. Колхозимиз пахтакорлари эришаётган социалистик мажбуриятни ошириб бажардилар. Шундай қилиб, пахтакорларимиз, чорвадорларимиз КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилини ғалаба билан якунламоқдалар. Булар шонли Октябрь байрамига бизнинг меҳнат совғамиз бўлади.

Мирза КАРИМОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз раиси.

Ли ЮННИ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ҚУРИЛИШ ҚУЛОЧИ

Ҳозир қаёққа қараманг поёнсиз, қурилишларга кўзингиз тушади. Кўп қаватли осмонўпар бинолар билан бир қаторда якка тартибда ҳам кўплаб иморатлар бунёд этилмоқда. Хўш, якка тартибда уй-жой солаётган аҳолининг бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида шаҳар савдо базаларида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Бу саволга «Узглавтара»га қарашли Ҳамза район ёғоч савдоси базаси директори ҚОИЛ ЗОКИРОВ шундай жавоб беради:

Халқимизнинг турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб бормоқда .Фаровонликнинг ўсиши билан орзу-ҳавас кўлами ҳам кенгаймоқда. Буни қулочи кенг қурилишларга бир назар ташлашдаёқ пайқаб олса бўлади.

Одамлар ҳалол меҳнатдан тушган даромад ҳисобига янгича типда солинган кенг ва ёруғ иморатларда истиқомат қилмоқдалар. Илгаригидек пастак ва қўримсиз кулбаларни энди шаҳримизда кўрмайсиз. Айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин кўпқаватли иморатлар билан бир қаторда якка тартибда уй-жой қуриш ҳажми ҳам анча кенгайиб кетди. Зилзиладан бошпанасиз қолган оилалар қисқа вақт ичида янги тураржойлар қуриб олдилар. «Янгиобод», «Бешқайроғоч» массивларида қурилган уйларга қараб бугун кишининг ҳавоси келади. Ҳаммаси баҳово, кўркам ва файзли.

Якка тартибда уй-жой қуришга эътибор кучайгандан кейин бизнинг ишларимиз ҳам кўпайиб қолди. Базамиз аҳолига керакли бинокорлик материалларини етказиб берувчи йирик хўжаликлардан бирига айланди.

Зилзиладан кейин қурилишлар кўлами кенгайгач, биз Янгиобод массивида иккита филиал очдик. Россиянинг бепоён ўрмонзорларидан ташиб келтирилган вагон-вагон тахта-ёғочлар, республика корхоналари етказиб берган шифер, цемент ва бошқа хил қурилиш материаллари асосан шу филиалларда савдо қиладилар. Бу тадбир халққа анча қулайлик туғдирди.

Иморат солиш ота-боболаримиздан қолган удум. Оилада ўғил туғилса, ота унга атаб ўз кўнглидагидек иморат қуришга киришади. Шу боисдан ҳам бинокорлик материалларига бўлган талаб камайгани йўқ. База коллективи тутилаётган талаб ва истакларни тўлароқ қондириш мақсадида бир талай тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўтган ойларда биз арралаш цехини янги, ҳар жиҳатдан қулай бўлган корпусга кўчирдик. Илгарилари ҳар куни 12-13 куб метр ёғоч арраланган бўлса, энди бу цехда 30 куб метрга етказиб тахта тайёрланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, цех қуввати икки мартадан зиёд ошди. Дурадгорлик цехи иши ҳам анча такомиллашиб, ром, эшик ва бошқа хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайди.

Кўрилган тадбирлар туфайли шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ўтган 1970 йил давомида бажарилган иш ҳажмига тенг вазифани амалга оширишга муваффақ бўлдик. Товар оборотн тўққиз ойлик плани базада 134 процент, ишлаб чиқариш топшириги эса 159 процент адо этилди.

Ўтган давр мобайнида аҳолига 1700 куб метр ҳар хил тахта, 2020 куб метр думалоқ ёғоч, 60 та уй комплекти, 125 тонна тунука, 2200 дона шифер, 17 минг квадрат метр дераза ойнаси ва бошқа хил бинокорлик материаллари сотилди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли аррачи Ашур Шерматов, юкчи Ортиқ Қўшматов, дурадгор Павел Арефьев, сотувчи Акмал Бобожонов каби илғорлар меҳнатидан аҳоли айниқса хурсанд бўляпти. Улар буюртмаларни ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бинокорлик материалларига бўлган талабни янада тўлароқ қондирмоқ учун хали кўп муаммоларни ҳал этмоқ керак. Оҳангарон цемент комбинати каби баъзи корхоналар база буюртмаларини ҳозирча тўла бажармаяпти.

Иккинчи навбатда транспорт масаласини ҳал этмоқ лозим. Кўп ҳолларда харидорлар автотранспорт воситаларининг камчиллигидан нолиб қоладилар. «Таштрансагентство» идораси харидорларнинг транспортга бўлган талабини мутлақо қондирмаяпти. Шаҳар автотрести раҳбарлари (бошқарувчиси А. Мадалимов) бу борада халққа қулай бўлган самаралироқ тодбирларни ишлаб чиқадилар деган умиддамиз.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА

ЯНГИ ЙИРИК АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ

ЛЕЙПЦИГ билан Дрезден ўртасидаги йўл эндиликда роса бир соатга қисқарди. Бу шаҳарлар бир-бирига жуда яқин бўлиб қолди. ГДР қинг бу икки округ марказини боғловчи янги йирик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди. Қурувчилар катта ҳажмдаги ишларни бажаришди: магистрал йўлнинг кенглиги 27 метрга етади, янги трассада 70 та кўприк реконструкция қилинди ва қайтадан қурилди, манзарали жойларда ҳордиқ учун 16-та дам олиш манзилгоҳи бунёд этилди. 8 узел янги магистрал йўлни бошқа катта йўллар билан боғлайди.

ФЕРМА ПУЛЬТДАН БОШҚАРИЛАДИ

ДРЕЗДЕН округидаги 7 кооператив хўжалик ўзаро ҳамкорликда соғин учун ёш молдар боқиладиган ферма қуриб олди. Ферма тўла механизациялашган. Молларга озуқа, сув, тоза ҳаво бериш, чиқитларни тозалаш — ҳамма-ҳаммаси бир пультдан туриб бошқариладиган механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги кескин суратда ошди: икки киши бир еменада мингдан ортиқ бузоқни боқа олади.

Бу янги ферманинг қурилиши — ГДР деҳқонларининг аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни янада кўпайтириш юзасидан Германия Бирлашган Социалистик партияси VIII съезди қабул қилган қарорларининг нечоғлик муваффақиятли амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

ФТОР—ТИШНИНГ ДАВОСИ

МАЪЛУМКИ, тишимизнинг ҳолати кўпинча истеъмол қилинадиган сув ва таомларнинг таркиби, чунончи ундаги минерал тузларнинг миқдори билан белгиланади. Мана ўн йилдирди, Карл-Маркс-штадт шаҳрида тиш фтор қўшилган ичимлик сув билан даволаниб келинияпти. Махсус ишлаб чиқилган асбоб ёрдамида ичимлик сувга натрий-кремний фторид аралашмаси қўшилади. Натижада сувдаги фтор миқдори ҳар литрда 0,1—0,2 дан 1 миллиграммгача ошади. Бу жараён автомат қурилма ёрдамида бажарилади. Киши сувда фтор борлигини сезмайди. Сув қайнатилган ва овқат пиширилган вақтда фтор ўз ҳоссасини йўқотмайди.

Фторлаштириш қиймати ҳар киши бошига бир йилга 10 пфенигдан ошмайди. Лекин фойдаси жуда катта: тиш чиришн касаллиги билан оғрувчилар сони уч ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар орасида кейинги беш йил ичида 98 процентдан 60 процентгача камайган.

ХИРУРГЛИК ОПЕРАЦИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ГРЕЙФСВАЛЬД университетининг ортопедия клиникасида ГДР да биринчи марта жароҳатланган тирсак суягини сунъийси билан алмаштириш юзасидан операция ўтказилди. Бу операцияни Москвадаги Марказий травмотология ва ортопедия институтининг профессори В. И. Голяховский ўтказди. У Росток ва Грейфсвальд университетларининг 16-ортопедия симпозиумида қатнашиш учун ГДР га келган эди.

— Бу операция туфайли, — деб таъкидлайди клиника директори профессор М. Янацек, — соғломлаштириш хирургияси олдида «янги истиқболлар» очилди.

Берлин.

Е. ДЕНИСОВ,
АПН мухбири.

И. ГАНДИ ФРАНЦИЯГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 9 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Индира Ганди расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турибди. Кеча Франция республикасининг президенти Ж. Помпиду Индира Гандини қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатдан олдин бўлиб ўтган қонушта зиёфат вақтида Ж. Помпиду билан И. Ганди нутқ сўзладилар.

Франция президенти шарқий Покистон проблемаси тўғрисида гапириб, — бу проблема сиёсий йўл билан ҳал этилади, «манфаатдор халқлар баҳамжиҳат бир фикрга келадилар» деб ишонч билдирди.

Бир қанча халқаро проблемалар хусусида, Франция билан Ҳиндистоннинг фикрлари бир эканликларини ҳам Ж. Помпиду таъкидлаб ўтди. Жумладан у шуни айтдики, «Ҳиндистон ҳудди Франция сингари ғоят тинчликсевар мамлакат бўлиб ҳамма халқлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказмоқда, кескинликни юмшатиш ва ҳамкорликни ёқлаб чиқмоқда, чинакам ва тўла куролсизланишга интилмоқда». Франция президенти Франция-Ҳиндистон муносабатини янада ривожлантириш зарурлигини айтди.

Индира Ганди Ж. Помпидунинг табрик сўзларига жавоб қайтариб, ҳозирги вақтда Ҳиндистон хавфсизлиги таҳлика остида турганлигини уқтириб ўтди. «Бизнинг фикримизча, — деди у, — бу таҳлика ер курасининг бутун ана шу районидаги тинчликка хавф солмоқда. Масалан, сиёсий бартараф этиш йўли топилиши лозим».

Индира Ганди Европа қитъасидаги кескинлик юмшатилганлигини, шунингдек ХХРнинг БМТдаги ҳуқуқлари тикланганлигини маъқуллаб гапирди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ВИЗИТ

БЕЛГРАД. Югославия Социалистик Федератив республикасининг президенти И. Броз Тито АҚШ, Канада ва Англияга қилган сафаридан Белградга қайтиб келди. Тито ўз сафари вақтида халқаро проблемалар хусусида ва икки томонлама муносабатлар масалалари юзасидан ана шу мамлакатларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борди.


ЗУЛМ ВА ИГВОГАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК, 9 ноябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси XXIV сессиясининг ялпи мажлисида БМТ ҳузуридаги ваколатхоналарни муҳофаза қилиш ва улардаги ходимларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги масалани шу сессия кун тартибига киритиш тўғрисида ассамблея бош комитетининг тавсияси тасдиқланди.

СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Я. А. Малик ялпи мажлисда сўзга чиқиб, шуни айтдики, БМТ га аъзо бўлган давлатларнинг миссияларига қарши ва шу жумладан СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонасига қарши душманона игвогарликлар, разил террор ҳаракатлари тўхтатилиши бир ёқда турсин, доимий ва ташкилий тус олди.

АҚШ маъмурлари берган ваъдаларига қарамай, ташкилий равишда қилинаётган жиноятларнинг олдини олиш учун самарали чоралар кўрмаётганликлари, деб таъкидлади Малик, вужудга келган ҳозирги вазиятда кишини газаблантирувчи бир фактдир. БМТга аъзо бўлган давлатлар миссияларининг тобора кўпчилиги дуч келаётган ана шундай террор вазияти бутун БМТ системасининг самарали ва осойишта ишлашига жуда ҳалақит бермоқда.

БМТнинг чет эл миссияларига қарши бундан буён душманчилик кампаниясига, террор ва игвогарлик ҳаракатларига йўл қўймаслик ва бундай ҳаракатларнинг пайини қирқиш учун самарали чоралар кўришни АҚШ ҳукуматидан БМТ кескин талаб қиладиган пайт келди, деди Я. А. Малик.



Шарқий Африкадаги Бурунди республикаси ташкил топганига эндигина беш йил бўлди. Еш республика 1966 йили монархия режимини тўнтариб озодлик эълон қилди. Суратда: Бурунди пойтахти Бужумбурдаги мустақиллик майдони.

В. Евсеев фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ЭСТОНИЯ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Шу кунларда пойтахтдаги амалий санъат музейи залларни томошабинлар билан гавжум. Бу ерга келганлар Эстония республикасининг амалий санъат усталари тайёрлаган ноёб экспонатларни катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

... Қадимий Таллин шаҳри. Қанчадан-қанча воқеаларни бошидан кечирган шаҳар тамошабин кўз ўнгида гавдаланади. Республикада хизмат кўрсатган рассом Мария Адамсон ишлаган ажойиб гиламга Эстония пойтахтининг расми туширилган. Гилам ўзгача жилоланади. М. Адамсон бу ишда кекса авлод ижоди ва маҳоратидан ўринли фойдалана олган.

Кўргазмага Эстония рассомларининг сўнгги йилларда ижод этган асарлари қўйилган. Чармдан, металлдан, керамикадан ишланган китоблар, альбомлар, вазалар, турли керамик буюмлар катта дид ва нафосат билан яратилган.

Кўргазмада намойиш этилаётган Эстониянинг етакчи рассомлари А. Лехис, М. Патунс, Э. Восс, Л. Вальтер, С. Раунам, Л. Линнакс, И. Руус, Т. Веллеринд, Э. Курреларнинг асарлари бу ерга келганларга мақбул ва манзур бўлляпти.



Суратда: виставка залларининг бирида.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ЗАВОД ҲАҚИДА КИТОБ

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи шонли йўлни босиб ўтди. Унинг тарихи арзигулик воқеаларга бой. Корхона партия комитети яқинда яхши ташаббусни қўллаб-қувватлади. Коммунистлар таклифи бўйича завод тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи алоҳида китоб яратишга киришилди.

«Завод тарихи» деб номланган ушбу китоб корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар ва турли иллюстрациялар билан бойитилади.

ОҒЗАКИ ЖУРНАЛ

«Шаҳар келажак сари одимламоқда» — марказий кутубхона ходимлари томонидан тайёрланган оғзаки журнал шундай ном билан аталади.

Журнал бирнеча саҳифадан иборат: «Чирчиқ тўққизинчи беш йилликда», «Маҳаллий авторларнинг асарларига библиографик обзор». «Кимнинг китоби ўз она шаҳри тўғрисида ҳикоя қилади».

Журналнинг алоҳида саҳифалари шаҳарнинг маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Уни кутубхона хизматчилари Н. Бахтиёрова, В. Васильева ва музей ходими М. Пшенколар тайёрлашган.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси, 18.00 — Шоирлар — болаларга (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.20 — «Ахборот» информацион программаси, 18.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Узбекистон комсомоли».

Ўзбек тилида: 19.15 — «Қизил альпинистлар» (кўп серияли телевизион бадиий филъмнинг 8-серияси), 19.40 — «Ахборот» информацион программаси.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.30 — Гулшан ҲАСАНОВА куйлайди.

21.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — Аҳолига кўплаб товарлар (ўзбек тилида), 21.00 — «У ёлғиз эмасди» (бадиий филъм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Хотинқизлар, сизлар учун». 20.30 — «Будапешт тароналари» (телефильм), 21.00 Врач маслаҳати.

Рус тилида: 21.15 — Л. Яначек. «Тарас Бульба» (фильм-концерт), 21.35 — «Телба» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/XI да Анда, 12/XI да Майсаранинг иши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/XI да Машаққатли йўл.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/XI да Ажаб савдолар, 12/XI да Фарғона тонг отгунча.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда, якшанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда, якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Қобулдаги миссия — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 4, 5 ва кеч соат 8 да).

Тасодифлар ёнма-ён — «КУКЧА» (ўзбек тилида, тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7 ва 9 да).

Сен ёнимда бўлсанг — «МОСКВА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Офицерлар (жуфт соатларда), Гуноҳи бўлмаса, қўйиб юбор (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ».

Ҳамроз — ҲАМЗА номли (кундуз соат 12, 3, кеч 6, 9 да).

Темир эшик сири — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, 11.40 минутда).

Спорт

МАВСУМ ОХИРИДА ГАЛАБА

9 ноябрь куни «Пахтакор» футболчилари Бокунинг «Нефтчи» командаси билан қайта ўйин ўтказишди. Бу тошкентликларнинг сўнгги расмий мусобақаси эди. Бу матч команда ветерани Эркин Абдураимов учун ўзига ҳос бенефисолий лигадаги 300-юбилей ўйини бўлди. Шунча ўйин ўтказган футболчилар совет спорти тарихида бармоқ билан санарли. 17 ёшида «Пахтакор»нинг асосий составидан жой олган бу ҳужумчи 11 мавсум давомида ўзига хос чиройли ўйинлари билан ишқибозлар меҳрини қозонди. Чемпионат ўйинларида жами 82 марта тўп киритиб, дарвозабонларни доғда қолдирди. Сўнгги ўйини олдидан республика спорт жамоатчилиги юбилярни бу воқеа билан табриклади.

— Бугун ҳам бўш келмайсан, — деди Ўзбекистон футбол федерацияси раисининг ўринбосари Ботир Иброҳимов ҳужумчига қимматбаҳо совға топшираркан.

Команда капитани ишқибозлар ишончини оқлади: 31-минутда Шехов дарвозасига кучли зарб билан тўп киритди. Тўрт минут ўтмай ҳисоб 2:0 га етди. Михаил Ан бурачкидан ошириб берган тўпни Варюхин дарвозага йўналтирди. Тошкентдаги ғалабадан хурсанд қайтган ишқибозлар Львов шаҳридаги ўйини репортажини диққат билан эшитдилар. У ердаги ўйин ҳамшаҳарларимизни қувонтирмади. Копейкин ва Дударенко «Карпати» дарвозасига иккита тўп киритдилар. Майдон эгаларидан Покора ва Кульчицкий (11 метрдан) ҳисобни тенглаштириб ЦСКА дан бир очко олиш билан кифояландилар.

Бу ўйинлардан сўнг командалар турнир жадвалида қуйидагича жойлашишди:

Динамо К.	30	41—17	44
Арарат	30	37—28	37
Динамо Тб.	29	30—33	34
Заря	30	29—23	33
Спартак	29	35—28	31
Динамо М.	29	34—21	30
Қайрат	30	36—40	28
Карпати	30	30—35	28
Торпедо	29	24—24	27
Нефтчи	29	29—33	27
ЦСКА	30	34—36	26
Зенит	30	29—32	26
Динамо Мн.	28	30—37	26
Пахтакор	30	29—46	26
СКА	29	32—40	25
Шахтёр	30	31—37	24

Сўнгги икки ўринда қайси коллективлар қолиши 12 ноябрь куни СКА—«Динамо» (Минск) матчидан сўнг ҳал бўлади.

Кеча ҳамшаҳарларимиз чет эл сафарига отландилар. Уларни Африка қитъасининг Атлантика соҳилидаги Сьерра—Леоне мамлакатида ўртоқлик учрашувлари кутмоқда.

С. МУСАЕВ.



Суратда: Э. Абдураимов юбилей матчи олдидан.

Н. НАДЕЖДИН фотоси.

ДАҲШАТЛИ ФРИДЕНТАЛЬ

Андрей СОЛОВЬЕВ.

КИРҚ ТЎРТИНЧИ ЙИЛ СЕНТЯБРИДА

1942 йил охирида Заксенхаузен ўлим лагерининг юзлаб асирлари эсэсчилар назорати остида қадимий гўзал Фриденталь қалъасини уч метрлик девор билан айлантириб ўрадилар. Юқори кучланишли токка уланган тиконли симлар ва махсус ўрнатилган бўрибосар итлар қалъани гўё ёруғ оламдан бутунлай ажратиб қўйган бўлди.

Берлиндан ҳисобланганда бир соатлик, Заксенхаузендан эса беш минутлик йўлда жойлашган мазкур кўргонда Скорценнинг асосий уяси — алоҳида мақсадлар учун тузилган «Ораниенбург» махсус курслари иш кўрарди. Малакали «мутахассислар» энг янги техника воситаларидан фойдаланиб, бу ерда турли хил тилда гапирувчи «тингловчи»ларни қўпорув-террорчилик ҳунарига ўргатишарди. Бу ерда одам ўлдириш ва эҳқарлаш, осиш ва поезд остига ташлаш, секин портловчи миналар ва пластик бомбаларни қўллаш, юқумли касалликлар тарқатиш ва ваҳима туғдириш, қўпорувчи ташкилотлар тузиш, исён ва давлат тўнтаришлари ясаш ишларига ўргатишарди. Бундай кўникмаларни амалда мустаҳкамлашда ўлим лагерининг махбуслари тажриба базаси бўлиб хизмат қиларди. Қотиллар ясама ҳужжатлар, қурол-ярог, заҳар, портловчи моддалар, пул ва алоқа воситалари билан таъминланиб, узоққа учадиган самолётларда ва сув ости кемаларида ер юзининг турли районларига жўнатиларди.

Эсэсчи медик Баумкеттер томонидан совет ҳарбий асирлари устида ўтказилган махсус тажрибалардан кейин Скорцени террорчилари ўқ-дори олувчи асосий бўюртмачи бўлиб қолишди. Ўқ-дори қора қоғозда калла сурати тасвирланган металл яшикларда келтириларди. Ичи ёриқ ўқлар орасига жойлаштирилган заҳар эса ўз ишини қиларди: ҳатто енгил яраадор бўлган одам ҳам жон талвасасига тушиб, бир неча дақиқадан сўнг ҳалок бўларди.

Тавринни ҳам худди шу жойга юборишди. Скорцени ва Грейфе ўз жосуслари ва техникавий воситалар ёрдамида туну-кун уни кузатиб турдилар. Тавриннинг шахсий сифатлари, «сиёсий эътиқоди» ва фюрерга содиқлиги ҳар тарафлама қайта-қайта синовдан ўтказилди. Унга тегишли идеологик таъсир ўтказилди, шуҳратпарастлигини қўзғатиб, у «тарихий» вазифани бажарувчи шахс эканлиги уқтирилди.

Стажировка пировардида ўз террорчилик билимини анча бойитиб, мустаҳкамлаб олган Тавринни Скорцени ҳузурига чақиришди. Юзма-юз суҳбат икки соат давом этди. Скорцени жосуснинг кайфияти, руҳий ҳолати, «фанлар»ни ўзлаштиришдаги ютуқлари, вазифани бажаришга қай даражада тайёр эканлигини суриштирди. Кейин ўзи ҳам очилиб кетиб, у, яъни Отто Скорцени, фюрернинг ҳамма топшириқларини «дадил ва қўрқмай», «чўчиш ва шубҳа нималигини билмай» бажарганлигини хотирлай кетди:

— Едимда, 1938 йил 11 мартида менга Австрия президенти Микласни ўтқирлаб, яккалаб қўйишни топшириб қолишди. 20 та азаматим билан Эски шаҳар кўчаларида президент саройига қараб кетдик. Темир қўлқоп ва пичоқлар билан сарой қўриқчиларини даф қилдик. Вестибюлга ёриб, кириб, асосий зиналардан чопиб чиқиб кетаётувдим, «Тўхта!» деб бақирганларини эшитдим. Қаршимда ёш лейтенант бошлиқ бир группа солдатлар туришарди. Нима қилиш керак? Ўзимни йўқотмай, офицерга дедим: «Мени янги ҳукумат бу ерга юборди. Мени дарҳол президент ҳузурига олиб киринг». Улар кетидан икки эсэсчи билан Миклас кабинетига кириб бордик. Ингитларим президентни ва қўриқчилар бошлиғини нишонга олиб туришди. Мен эса австриялик бошлиғимиз Зейес—Инкварт билан телефонда боғланиб, федерал президент ўз вазифасидан четлатилганлигини айтдим. Ярим соатдан кейин саройни қамал қилиб олишди. Шу топда федерал канцлер Шушни қўлга олиш ҳақида топшириқ олдим денг. Энди Бальхаузенлац майдонига югурдик. Ён эшиклардан резиденцияга кириб олдик. Ўқларни аямадик ўзиям. Осонлик билан канцлер ишхонасига кирдик. Унинг хиппа томоғидан олдим. Топшириқ бажарилди!

Скорцени ўз жасоратидан маст ҳолда, ўчиб қолган сигарасини тутатди ва бирдан чиройли кумуш рамкадаги фюрер суратини Тавринга узатди:

— Ўқинг!

Таврин готика услубида жимжимадор битилган қуйидаги ёзувни ўқиди: «Менинг штурмбанфюрерим Отто Скорценига 1943 йил 12 сентябри учун миннатдорлик ва ҳотира белгиси. Адольф Гитлер». Таврин шу сўзларни икки бор ўқиб, сўнг суратни эгасига қайтарди. Скорцени «қимматбаҳо ёдгорлик»ни ёзув столи устидаги энг кўринарли жойга авайлаб қўйди.

— Бу воқеа 1943 йил 26 июлида содир бўлганди. Фюрер шу куни мени чақириб, деди: «Менинг дўстим ва жанговар содиқ иттифоқчим Муссолини қеча қамоққа олинган. Уни дарҳол қутқариш керак. Бу операцияни сизга юклайман». Мен жавоб қилдим: «Фюрер, бу ишга бутун кучимни сарфлашга ҳозирман!». Тез орада дученинг изини искаб топдик. У тоғлар орасида Абруццо чўққисида яшаб тураркан. Бу ерга фақат осма йўл орқали бориш мумкин, аммо бу йўл ҳам жуда қаттиқ қўриқланарди. Шунда биз Абруццога юк планёрларида учиб келдик. Қоровулларни бутилмаганда қўлга олиб, осонгина бартараф қилдик. Менинг ўзим шахсан дученн фюрер турган Растенбург штабхонасига олиб келдим. «Бу хизматингизни асло унутмайман!» — деди шунда фюрер ва мана шу суратни менга совға қилди. Ўшандан бери суратни худди тумордек ўзим билан бирга олиб юраман.

Скорцени фюрер билан ўтказган шу дақиқаларни яна ҳузур билан эслаб, жим қолди.

— Ана шундай, жаноб Таврин, ҳаракат қилиш керак. Сизга юклатилган топшириқ шунчаки осон ва оддий топшириқ эмас, аммо уни бемалол бажарса бўлади. Биз сизни ҳамма нарса — ишончли ҳужжатлар, пул, пухта ишловчи махсус қурол-ярог билан таъмин қиламиз. Сизни нақ Москванинг ўзига элтиб қўямиз ва топшириқни бажариб бўлганингиздан кейин олиб кетамиз. Аммо озгина кўрқоқлик, ҳатто иккиланишга йўл қўйсангиз — тамом — ўзингизни ҳам, бутун ишни ҳам барбод қилган бўласиз.

КАЗО-КАЗОЛАР ДАВРАСИДА

Эртаси куни Таврин Фридентални тарк этиб, Берлинга келди. Соат 17 ларга яқин генерал Власовнинг шахсий адъютанти уни излаб топиб, ўз бошлиғининг таклиф қилганини айтди. Улар шу ондаёқ «РОА» бош қўмондони резиденциясига йўл олишди.

Таврин ҳақида кўп эшитган Власов уни яхши кутиб олди ва махсус тайёргарлик қандай боратёганн ҳақида батафсил суриштирди. Кейин, дадилроқ сўзлашга тиришиб, «енгилмас Рус Озодлик Армиясига кўнгилли бўлиб ёзилаётган рус ватанпарварларининг қудратли оммавий ҳаракати» ҳақида, Советларнинг фронт орқасида «ҳамма ерда халқ исён кўтараётганлиги» ҳақида гапириб, гўё сирни ошкор қилаётгандек «Қизил Армиянинг маглубияти муқаррардир» деб уқтириб қўйди. Тавринга юклатилган вазифа тўғрисида гапираркан уни бажариш гоят муҳимлигини таъкидлади. «Бу иш ғалаба кунини яқинлаштиради. «буюк ватанпарвар»нинг номи эса асрлар оша хотирадан асло ўчмайди» деб ишонтирди.

Соат 18ларда «ота-бола»нинг бу суҳбати асосан тугаб, Власов бирдан «мени бир муҳим кенгашга кузатиб борасиз» деб Тавринга таклиф қилди. Бир соатдан кейин генералнинг «оппель» машинаси ям-яшил ҳушманзара жой орасида қад кўтарган уйга яқинлашди. Эсэсчилар ҳужжатларни гоят синчиклаб текширувдан ўтказишди. Ниҳоят, Таврин билан Власовнинг адъютантини қиммат баҳо суратлар осиб қўйилган мужаз бир хонага олиб киришди.

Тўрда яшил мовут устига ташланган узун стол. Устида фюрер портрети. Залга йигирмага яқин одам, тўпланган. Адъютантнинг айтишича, булар Рус Озодлик Армияси ҳамда «мустақил ва ўзини бошқарувчи Украина» (бандерачиларнинг раҳбар) «арбоб»лари экан.

Тезда ён томондан эшикдан Власов билан оуновчи бандитлар бошлиғи Бандера пайдо бўлишди. Улар чап енгида фашистик свастика белгиси бўлган оддий кийимдаги паст бўйлик оқсоч бир кишини кузатиб киришди. Ҳамма ўрнидан турди. Эндигина залга кирган ҳалиги одамлар индамай президиумга ўтишди. Оқсоч киши имо билан залда ҳозир бўлганларга ўтиришни буюриб, ўзи минбар томон юрди. Бунчалик «обрўли» йигитларга қатнашаётганидан ҳаяжонланиб кетган Таврин минбардаги нотиқ пропаганда министри доктор Геббельс эканини дарров фаҳмлай олмади.

Геббельс аввал «енгилмас герман армиясининг ютуқлари, усталик ва эўр куч билан фронтни текислаб олаётгани»га қисқача тўхталди. Сўнг гўё «большевиклар фронт орқасида очлик, вайронагарчилик ва бутунлай ҳалокатга учрагани» ҳақидаги манзарани тасвирлаб, национал социалистларнинг келгусида «маглуб бўлган ва забт этилган Россия»га нисбатан ўтказадиган сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида гапира кетди. Фашистлар Германиясини ҳалокат ёқасига келтириб қўйган Курск дугасидаги жанглардан сўнг империя министрининг юқоридаги каби даъволари нақ телбалик эди. Бироқ, залдагилар нотиқнинг сўзларини тўлқинланиб кутиб оладилар. Кейин эса Власов ва Бандера ўзларининг фюрерга садоқатлари тўғрисида узундан-узоқ ваъзхонлик қилдилар.

(Давоми бор)

(Боши газетамизнинг 4, 5 ва 10 ноябрь сонларида).

«ЁШЛИК» КИТОБ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг қарори асосида ташкил қилинган китоб ҳафталиги Ленин комсомоли туғилган кунининг 53 йиллигига бағишланган.

Ҳафталикни кенг миқёсда ташкил қилиш учун Театр майдонида китоб бозори турли шиор ва кўргазмалар билан безатилди. Шунингдек бу ерда, комсомол тарихига, ёшларнинг қаҳрамонона ишларига бағишланган витриналар ҳам мавжуд. Китоб бозорига ташриф буюрувчилар ўзлари севган китобларни харид қилиш билан бирга шу китоб муаллифлари бўлган ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотда бўлишмоқда. Адиблар билан бўлаётган бу учрашувлар ниҳоятда қизиқарли ўтяпти.

Китоб ҳафталигида ташкил қилинган бозорларда пойтахтдаги 1,-2,-4,-6,-9-ва бошқа кўпгина китоб магазинлари қатнашяпти. Хушмуомала, дилкаш сотувчилар ёшларга китоб танлашда ёрдам беришмоқда.

Бундан ташқари, китоб савдоси ходимлари завод ва фабрикаларда, ўқув юртларида китобхонларни турли бадиий ва бошқа китоблар билан хушнуд этишяпти.

Э. РИЗАЕВ,

«Облкниготорг»нинг савдо бўлими бошлиғи.

СУД ЗАЛИДАН

ОИЛА БЕЗОРИСИНИНГ ЖАЗОСИ

Абдуғани ота-онасининг, қариндош уруғининг райи билан уйлангани ҳам йўқ. У замонамиз ёшлари сингари Мелинисога муҳаббат қўйиб, унн севиб турмуш қурди.

Еш оила аввалига бошқалар сингари бироз тинч-тотув яшади. Кейин эса... кейин эса бу уйдан тинчлик йўқолди. Абдуғани ичиб келиб қилдан қийиқ ахтарадиган бўлди.

— Инсоф бериб қолар, эрим ҳам одам боласику, ахир, — деб юпатарди Мелиниса ўзини-ўзи.

Абдуғани ота, Мелиниса она ҳам бўлди, лекин саёқ отага ақл кириш ўрнига борган сари бебошлиги, муштга эрк бериши авжига чикаборди.

Абдуғани ярим кечада ичиб келиб «тарки одат амри маҳол» деганларидек яна тўполон кўтарди.

— Овқатинг нега совуқ... Мен сенларни боқаман деб ярим кеч... кечгача ишлаб юрсам... сенлар бўлса хуррак отсаларинг...

Мелиниса дир-дир титраб овқатни иситиб келди, чой қайнатиб узатган эди, ош-ошда, чой-чойда қолди. Абдуғанининг жазаваси тутиб хотинини дўпослай кетди. Еш мурғаклар уйқу аралаш кўзларини ишқалаб йиғлашарди.

Шунда ҳам Мелиниса эридан нолимасди. Инсоф бериб қолар, ахир уч боламиз бор, мурғакларни ота меҳридан жудо қилмай деб, ўзига ўзи таскин берарди. Калтакдан юз-кўзлари қизарганда кўни-қўшнилардан ўзини уч-тўрт кун пана олиб юрарди.

Ичкиликка ружу қўйган, севиб турмуш курган Мелинисони турса ўпоқ, ўтирса сўпоққа чиқариб қўйган Абдуғани Содиқов Чирчиқдаги «Ташгастроном» магазинида, маҳаллакуй олдида бир неча бор тартибга чақирилди. Одамлар олдида ўзини қўйдек юввош қилиб кўрсатган бу муштумзўр уйга келиб «хали менинг устимдан шикоят қиладиганлар сенмисанлар» деб муштига зўр берарди.

Абдуғанининг навбатдаги жазаваси тутган пайтда кўшнилар Мелинисони муштумзўр эрнинг чангалидан аранг хушсиз ҳолда қутқариб қолдилар. Милиция бўлимида «хотинимга мушт кўтарсам қаттиқ жазога тортишингиз мумкин» деб тилхат берган Абдуғани бироз вақт «аламини» уй-рўзғор асбобларидан олиб юрди. Уйда бир дона ҳам чинни идиш бут қолмади. Синдиришга буюм қолмагач, муштумзўр болта билан холодильникни парча-парча қилди. Кейин.... кейин яна хотинига мушт кўтарабошлади.

Бир кун у ичиб келиб хотинини қаттиқ тепки остига олди. Мелиниса қалтак азобидан жигари эзилиб касалхонага тушди. Оила безорисн эса... қора курсига ўтирди. Энди пушаймон бефойда эди. Одил халқ суди Абдуғани Содиқовни етти йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,

ВАЪДА ҚАЧОН АМАЛГА ОШАДИ?

Байтқўрғонлик ўртоқ Малик Ғуломов редакциямизга йўллаган шикоят хатига юқоридаги сарлавҳани қўйибди.

Хатда айтилишича, Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон алоқа бўлимида хизмат қилаётган айрим ходимлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажармасликлари натижасида газетахонларга кундалик газета ва журналлар чакана,кўпчилик ҳолларда улгуржи етказиб берилмоқда.

Газетхон ўз хатини давом эттириб, бундай деб ёзади: «Оиламиз катта, биз қатор газета ва журналларга ёзилганмиз, кундалик газетани ҳафтада бир марта олсак, уни қачон ўқиб улгурамиз? Журналлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. «Инсон ва қонун» журналини 1-ва 2-сонини ҳам олгунимизча йўқ. 7-, 8,- 9- ва 10-сентябрь кунлари чиққан газеталарни 10 куни кечқурун олдик. Бу ҳол деярлик ҳар ҳафтада қайтарилиб туради. Шулар ҳақида алоқа бўлимига бир неча бор шикоят қилдик, лекин шикоятимизга газетани ўз вақтида олиш ўрнига ваъда олаяпмиз. Билмадик бу ҳол қачонгача давом этаркин?».

РЕДАКЦИЯДАН. Ҳурматли ўртоқ М. Ғуломов! Сизнинг шикоятингизни ҳақ эканлигини қисобга олиб, Қибрай район алоқа бўлимининг бошлиғи ўртоқ Э. Холиқовдан бу масалани ҳал қилиши, газета ва журналларингизни ўз вақтида етиб боришни таъминлашни сўрадик.

Э. Холиқовнинг редакциямизга хабар қилишича, бу масала атрофлича текширилган. Аниқланишича, Сизга айрим газета ва журналлар ўз вақтида етиб бормаслигига шу атрофда ўйнайдиган болалар сабабчи қилиб кўрсатиладн. Гўё улар алоқа бўлими ходими Қундуз Бекова ташлаб кетган газета ва журналларни олиб кетишар эмиш! Масалан яна иккинчи томони ҳам бор: эшигингизда почта қутиси бўлса, газеталарингиз ўз вақтида етиб келар миш. Келинг, алоқа ходимлари билан тортишиб ўтирмай, яхшиси эшигингизга почта қутиси ўрнатиб кўрингчи, кейин нима бўларкин?

УКРАИН ТИЛИДА

Қардош украин китобхонлари орасида ўзбек совет адабиётига бўлган қизиқиш катта. Улар Уйғун, Зульфия каби сўз усталарининг айрим асарларини ўз тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

Яқинда ёзувчи Эгам Раҳимнинг «Тақдир» деган асари украин тилида босилиб чиқди. Киевдаги «Молодь» нашриёти «Ўзбек поэзияси антологиясн»-ни ҳам поэзия ихлосмандларига тақдим этади.

«Весёлка» нашриёти эса атоқли адиб, Ленин мукофотининг лауреати Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» повестини босиб чиқаришни планлаштирди. Шунингдек, »Ўзбек халқ эртаклари» кўп нусхада тарқатилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1972 йил учун қуйидаги Қишлоқ хўжалик нашрларига

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ХЛОПКОВОДСТВО»,
«ВЕСТНИК СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ НАУКИ».
«ЗЕМЛЕДЕЛИЕ»,
«САДОВОДСТВО»,
«СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО ЗА РУБЕЖОМ»,
«ЖИВОТНОВОДСТВО»,
«СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ БИОЛОГИЯ»,
«ГИДРОТЕХНИКА И МЕЛИОРАЦИЯ»,
«СЕЛЬСКИЙ МЕХАНИЗАТОР» ва бошқалар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р—01864. ИНДЕКС 64697. А—1866.